



Логан Кокрэйи томонидан такдим этилади

Кириш

Савол. – ОИТВ бу нима? Одам Иммуниетет Танкислиги Вируси
Савол – ОИТС бу нима? Ортирилган Иммуниетет Танкислиги Синдроми

Ушбу иккита атаманинг уртасида сабабий муносабат мавжуд. ОИТВ бу одамнинг танасини хужум киладиган вирус. ОИТС – бундан келиб чикган натижа, одамнинг танаси узини иккиламчи касалликлардан химоя килишдан ожизлиги (купинча “иккиламчи имконият инфекцияси” деб номланади, чунки улар одамнинг танаси вирус томонидан кучсизлантирилиш имкониятидан фойдаланиб, унинг ичига кириб олади). Инсон ОИТВга эга булиб, ОИТС билан юктирилмаган булиши мумкин, бундай холатларда, шифокорлар инсон “ОИТВ-мусбат” деб номлашади. Барча ОИТС билан юктирилган инсонлар узларида (ОИТВ) вирусни ташийдилар, жуда кучсизланган иммуниетет тизими ёки иккиламчи инфекцияси бор инсон ОИТС билан яшаяпган дея хисобланади, бундай инсон ОИТВ ташийди (ОИТВ-мусбат).

ОИТВ инсоннинг иммуниетет тизимини хужум килади, яъни бу тизим инсон баданиниг касалликларга ва дардларга карши сурадиган восита хисобланади. Масалан, бирон-бир одам касал булган холатда, унинг бадани ушбу хасталикни узидан сикиб чикариб, согайишни таъминлайди. Вирус (ОИТВ) ушбу иммуниетет тизимини шундай кучсизлантиради-ки, у хасталикларга карши курашишга ярамайдиган булиб қолади. Кимдир ОИТВ ортирган булса, вирус унинг иммуниетет системасини аста-секин хужум килади, ва качондир унинг тизими бошка хасталикларга карши кураша олмайдиган холатга етказиб, инсон танасига кириш имкониятидан фойдаланади – ушбу холат ОИТС билан юктирилиш деб номланади. ОИТСнинг тиббий таърифи хам мавжуд, бу одамнинг CD4 катакларининг микдори 400 дан паст булган холати. Инсон ОИТСдан вафот этиш пайтида, у нафакат вирусдан вафот этади. Бунинг урнига, ОИТВ баданни кучсизлантиради ва иккиламчи хасталик инфекциялари инсон вафоти сабаби деб хисобланади. Бундай холатларда, инсон касалланмаган булиши хам мумкин, аммо вирус иммуниетет тизимини кучсизлантирилгани учун, шундай хасталиклар/касаликлар вафотга олиб келадилар. ОИТВ билан яшаяпган инсон хасталикни/касаликни тухтата олмайди ва купинча безгак, сил ёки пневмония касалликларидан вафот этади. Бундай холатлар инсон бадани ОИТВ вирусини ташиб юриши ва узини кераклигича химоя кила олмаслигидан келиб чикади. Купчилик холатларида, ОИТВ ва иккиламчи хасталик/касалик ОИТСдан вафот сабаби булади.

Куздан кечириш

ОИТВ бу нима?

ОИТС бу нима?

ОИТВ ва ОИТС орасида кандай муносабат мавжуд?

ОИТВ инсон баданига кандай таъсир этади?

Кандай килиб инсон ОИТСдан вафот этади?

Вируснинг юкиш ҳолатлари

1. Вирус ташийдиган ва вирус билан ҳасталанмаган инсонлар уртасида химояланмаган жинсий алоқа юз бериш натижасида вируснинг юкиш ҳоллари руй беради. Бу билан барча жинсий алоқалар (анал, оғзакий, вагинал) керакли химоядан фойдаланилмаган ҳолатлар назарда тутилмоқда (масалан, презерватив). Презервативлар ягона кутилмаган фарзандчиликни олдини олувчи ва ОИТВ ҳасталигини утиш имкониятини олдини олувчи восита ҳисобланади. Аммо, шуни ҳам назарда тутиш керак-ки, презервативлар фақат мос равишда фойдаланилганда, мувофик жойларда сақланганда ва фойдаланиш муддати утмаганда уз кучини сақлаб қоладилар. Шунда ҳам, презервативлар 100 % қафолатни бермайди, баъзи тадқиқотларга қура, презервативлар фақат 93 % тахмини билан самарали натижа берадилар. Агарда вирус билан ҳасталанмаган икки киши уртасида химояланмаган жинсий алоқа руй берса, бундай ҳолатда ҳеч ким вирус билан касалланмайди – бу ОИТВ тестини утиш ва узининг ахволидан хабардор булишининг муҳимлини курсатади. Вирус фақат ушбу вирус билан ҳасталанган инсондан бошқа инсонга утиш қобилятига эга. Ҳасталикнинг утиш имкониятларини пасайтириш учун жинсий алоқаларни камроқ кишилар билан амалга ошириш зарур. Бундан олдин айтиб утилгандай, кишилар бир бирларининг ОИТВ ҳолати ҳақида хабардор булиши муҳим ролни уйнайди. Агарда киши вирус билан алоқа қилмаса, бундай ҳолда у ҳеч қачон ОИТВ+ булиб қолмайди, шунинг учун қуп ҳолатларда диний маслаҳатчилар, оила қуриш мутахассислар ва миллий урф-одатлар одам узини тийиш ва ёшлар жинсий алоқаларни улгаиш руй берганда амалга оширишни тавсия қиладилар. Шуни эсда сақлаш керак-ки, ОИТВ ҳасталигининг юкиш ҳолатлари тахминан 85 % маъсулиятсиз жинсий алоқаларга қиришиш орқали юз беради. Қуйда келтирилган иккита юкиш турлари билан танишиб чиқиш муҳимдир.
2. Қон орқали юкиш. Бундай ҳолат ОИТВ билан ҳасталанган инсон қони ушбу вирус билан ҳасталанмаган кишининг қони билан аралашганда руй беради. Ушбу контакт сабаби ҳасталанмаган киши ОИТВ мусбатга айланади. Бундай ҳолатлар қуп йуллар орқали руй бериши мумкин, масалан, фойдаланган игна орқали/бир кишининг қонини бошқа кишига утиши, ҳар қанча оз миқдорда бўлмаса ҳам. Шунинг учун, барча игналар мос равишда стерилизация жараёнидан утиши керак (агарда мос асбоблар мавжуд бўлмаса, игналарни 30 дақиқа давомида қайнатиш мумкин). Бошқа юкиш имкониятларига устара тиги, татуировка қилиш абсоблари, пирсинг (инсон баданини тешиш) воситалари ва омбир қаби буюмларни қиритиш мумкин. Юкиш ҳолатини руй беришининг асосий сабаби бу инсон уртасида қон алмашуви. Агарда қони текшириб чиқилмаса, вирус билан касалланган қон ҳасталанмаган инсон баданига утиши мумкин. Ҳозирги кунда бундай ҳолатлар қам учрайди, чунки қон қуйишдан олдин уни батафсил текширувдан утқилади, аммо йигирма йил олдин ҳатто Америкада бу қатга муаммо тугдирар эди.
3. Онадан-фарзандга ҳасталикни юкиши (ОФХЮ). ОИТВ билан яшайпан аёл вирусни фарзандига юктириши мумкин. Бундай ҳолатлар аёлнинг хомиладорлик, тугиш ва қураги билан овқат бериш вақтларида руй бериши мумкин. Баъзи даволаниш воситалари ушбу имкониятни қамайтиришга ёрдам беради, ва қуплаб жойларда ушбу даволаниш жараёни бепул амалга оширилади. Ушбу даволанишдан утиш учун аёл киши узининг ОИТВ ҳолатидан хабардор

булиши керак. ОИТВ билан хасталанмаган аёл вирусни фарзандига утказмайди. Тадкикотларга асосан, вирус билан хасталанган аёл фарзандига касалликни утказиш тахмини 35 % тенгдир.

Яна бир бор эслатиб утамиз: юкишнинг 85 % холатлари жинсий алокалар оркали руй беради. Юкланишнинг бошка турлари бизнинг эътиборимизда булиши керак, аммо юкланишнинг биринчи тури узининг таъсири билан бизнинг диккатимизни тортиши табиий.

Куздан кечириш

ОИТВ билан касалланишни энг асосий йуллари кандай?

Юкиш имкониятларини камайтириш/олдини олишнинг кандай турлари мавжуд?

Кондан конга контакт деганда нимани назарда тутилади?

Хасталикни утиш йулларини камайтириш/олдини олишнинг кандай турлари мавжуд?

ОФХЮ бу нима?

Бундай юкиш имкониятини камайтириш/олдини олишнинг кандай турлари мавжуд?

Касалликни уччала турининг олдини олиш учун кайдай асосий мажбурият кулланилиши керак?

Нима учун жинсий алокалар оркали юкиш холатларига диккат тортилади?

Саломатлик ва овкатланиш баданнинг узини химоя килиш ва даволаш жараёнларига асосий восита булиб хизмат килади, айникса касаллик/хасталик руй берганда. Инсон ОИТВ хасталанган киши билан алокада булиб, узи ОИТВга хам таслим булиши, хам булмаслиги мумкин. Баъзилар бир маротаба жинсий алока оркали хасталанишлари, бошкалар эса бундан мустасно булишлари хам мумкин. Одамлар ишонади – бу инсоннинг соглигига боглик. Агарда инсоннинг танаси кучга тула булса, у касалликка карши чикиш имкониятига эга. Яна одамлар ишонади-ки, соглом инсонни ОИТВ хасталигини тухтатиш имконияти кучсиз инсондан юкорирок. Ушбу омил бошка хасталиклар/касаликларда (масалан, сил ва безгак) хам руй беради.

Инсон танаси туртта асосий овкат элементига мухтож: биринчи, бу протеинлар (гушт, сут, тухум, ясмик ёки ловия) – булар одам баданидаги мушаклари ривожланишига ёрдам беради ва иммунитет тизими фаолиятига кумаклашади. Аммо факат протеинлар билан озикланиш инсон иммунитет тизимини ривожлантирмайди, албатта, бунинг учун барча турт компонент мавжудлиги мухимдир. Иккинчидан, бу ёглар (мойларда, гуштда, сабзавот ва бошкаларда топилади) – улар кувватни саклаб колиш ва баданни химоя килишга ёрдам беришади. Учтинчидан, бу баданга куч-кувват берувчи карбогидратлар (ёрма, нон махсулотлари, шакар, мевалар ва хоказо). Ва нахоят, инсон бадани тоза сувга мухтож булади.

Шунинг дек, инсоннинг саломатига унинг гигиена ва тозаликга риоя килиши мухим уринни эгаллайди. Узини тоза тутиш, мунтазам ювиниш ва шикастланишга мос равишда ишлов бериш жуда мухимдир. Юкориде айтиб утганимиздек, ОИТВ/ОИТС инсон баданини кучсизлантиради ва касалликлар/хасталиклар унга зарар келтиришини олиб келади. ОИТВ баданни химояланиш кобилиятини пасайтиради, шунинг учун, бирон-бир касаллик руй берса, уларга даво топиш учун харакат килиш керак.

Нима учун ОИТВ юкишлар купайиши давом этаяпти: Ижтимоий Омиллар (киска)

Инкор килиш: “Бу мен билан содир булмайдим,” шунга ухшаш хаёллар ОИТВ/ОИТС хакикатдан ҳам муаммолигини инкор килиш холатлари.

Жинсий: Жинсий тахкирлаш, аёл карамлиги, ижтимоий ва иктисодий тенгсизлик, ва биологик омиллар.

Таълим: захираларнинг камлиги, тушунмовчилик, укиш имконияти чекловлари ва стигмалар

Медиа: Секс (жинсий алокалар) тушунчасини дуне оркали овоз килиш, медиа оркали кераксиз таркатиш, жинсий туризм ходисалари руй бериши маъносиз шов-шувга келтирмоқда. Бундай медиа кучлар химояланиш ёки жинсий алокалар хакида тугри тарафдан гапиришмайди.

Тиббий хизматлар: киммат-баҳо, танкис, ножоиз, вактий тусиклар, химояланиш воситаларга эга булиш кийинчилиги.

Маданий тусиклар: жинсий алокалар хакида сухбатлашишдан тортиниш, тенгсизлик борлиги сабабли химояланган жинсий алокадан сакланиш имконияти йуклиги.

Ижтимоий-иктисодий: жуъратсиз овкатланиш, яшаш тури, даволаниш кийматлари.

Жинсий Алокалар Оркали Юкадиган Касалликлар (ЖАОЮК): Бундай касалликлар ОИТВ юкишига кушимча омил булиб хизмат киладилар (касалликнинг юкиш имкониятини оширадилар).

Уруш: Жинсий тахкирлаш, одамларнинг оммавий кучиши (кузголон, харбий, кочкинлик).

ОИТВ/ОИТС Дуне микёсида

БМТнинг ОИТС ташкилоти (декабрь 2005 хисоботи) тахмин килишича, хозирги кунда 40 миллиондан ортик инсонлар ОИТВ/ОИТС билан яшайдилар, тахминан 25 миллион киши вафот этган. ОИТВ билан яшаянган кишиларнинг 90 % фоизи хасталанганлиги хакида тасаввур килишмайди ва купи ривожланаётган мамлакатларда яшайдилар. Ёшлар ва ёши катталар хатарга дуч келишлари тахмини энг катта (аммо барча ёшдаги одамлар хасталанишлари ҳам мумкин). 2005 йилда касалланганлар 50% дан ортиги ёши 15дан 24 ёшгача булганларни ташкил этган. Хар куни 8,000 киши ОИТВ/ОИТСдан вафот этадилар ва 14,000 касаллик билан юкланадилар (бу ҳам кундалик ракам). Баъзи тадқиқотларга кура, ушбу юкланганлардан 250таси янги тугилган чакалокларни ташкил этади (бошка тадқиқотлар бундан ҳам катта ракамларни, 2000гача курсатадилар). Ушбу хаёт ва улим натижаларига кушимча килиб, ОИТВ/ОИТС бошкаларни хаётига ва жамоятчилик жихатларига ҳам таъсир этади. Тахминан 14,000,000 фарзандлар ОИТС таъсири оркасида, етим булиб колишган. Хозирги кунгача вафот этганлардан 7,000,000 фермерларни ташкил этади – ва ушбу ракамлар 2020 йилга 16,000,000гача кутарилиш хафви бор. ОИТС таъсири оркали улимлар укитувчиларни хаётига ва тиббий тизимларни фаолиятига таъсир курсатади (Жанубий Африкадаги 85% вафотларнинг асосий сабаби ОИТС хисобланади), чунки ушбу ижтимоий катламлар кам таъминланган ва кам таёрланган хисобланадилар (касалхонадаги койкаларнинг 50-80% ОИТВ/ОИТС билан хасталанган кишилар билан банд килинган).

Куздан кечиш

Овкатланиш ва химояланиш бир-бири билан кандай богланган?

Даволаниш нима учун мухим?

Нимага ОИТВ/ОИТС билан хасталанганлар сони доим ошмоқда?

Яна кандай сабабларни курсатишингиз мумкин?

Кандай махаллий омиллар мавжуд?

Кандай килиб Дуне микесидаги омилларни буларга богласа булади?

ОИТВ/ОИТСнинг тугридан тугри таъсири кандай?

Узок муддатли таъсири кандай?

Олдини олиш

ОИТВ/ОИТС билан яшайдиган одамларга ёрдам курсатишнинг бир нечта йули бор: (1) анти-ретровирал даволаниш, аммо бу ОИТВга даво эмас, (2) иммунитет системасини кайта тиклаш, ва (3) иккиламчи инфекциялар/касалликларни даволаш.

Анти-ретровирал даволаниш касалликка даво була олмайди, чунки ОИТВ/ОИТСга карши даво хали топилмаган. Ушбу даволаниш иммунитет системасига ёрдам курсатади ва ОИТВ/ОИТСнинг ривожланишини секинлаштиради. Ушбу даволаниш билан ОИТС/ОИТВ билан хасталанган инсонларнинг умр хаётини узайтириш мумкин. Ушбу дори-дармонлар кабул килишнинг биринчи икки ой ичида согликни яшхилашда хакикий мужизаларни яратиш кобилиятига эга.

Антиретровирал даволанишнинг манфий жихати хам мавжуд. Улар бир мунча киммат; ривожланишган мамлакатларда бундай дори дармонларга етишиш жуда кийин, ва уларни кушимча таъсири хам мавжуд (Америкада ОИТВ/ОИТС билан хасталанган 20-30% ушбу анти-ретровирал даволанишни кабул кила олмайдилар). Анти-ретровирал даволанишнинг кучи борган сари камаяди, чунки вирус ушбу даволанишга чидамли булиб колади.

Анти-ретровирал даволаниш жуда касал булган одамга катта ёрдам курсатиши мумкин, аммо уни тулаликча даволай олмайди. Иммунитет тизимига яшхи саломатликни саклаб туриш ва яшхи овкатланиш билан ёрдамлашиш мумкин.

Эсингиздами, ОИТВ/ОИТС билан боглик булган улим иккиламчи хасталик иммунитет тизимини кучсизлантириш оркали руй беради деб айтиб утган эдик. Шунинг учун, ушбу иккиламчи даволаниш согликка ва ОИТВ/ОИТС билан хасталанган инсонга жуда мухим. Даволаниш имкониятини кидириш ушбу инсонларни умр хаётини узайришга ёрдам беради.

ОФХЮ олдини олиш

ОИТВ билан хасталанган ва бир вақтнинг узида хомиладор булган аёллар 35 % тахмини билан ушбу вирусни уз фарзандига юктириши мумкин. Айтиб утилгандай, баъзи даволаниш усуллари ушбу юкиш холатларини олдини олишга ёрдам беради. Невирапин, шундай дармонлардан бирини, аёлга тугишидан олдин ва кейин берилса, вирусни фарзандига таркалиш имкониятини камайтириш мумкин (нархи \$4). Ушбу даводан куплап холатларда фойдаланилади, чунки у арзон ва фойдаланиш жараёни мураккаб эмас. Баъзи дори ишлаб чиқарувчи корхоналар ушбу дорини бепул хам

таркатишади. Энг асосийси – она ва фарзанднинг ОИТВ холатини тулалигича билиш ва шунга асосан, даволаниш жараёнини амалга ошириш.

Куздан кечиш

ОИТВ билан яшайдиган инсонларнинг кандай учта вариантлари мавжуд?

Анти-ретровирал дорилар бу нима?

Улар нима киладилар?

Хасталикнинг давоси нимада?

Давонинг манфий томони нимада?

Кандай кушимча муаммолар мавжуд?

ОФХЮ бу нима?

Невирапин бу нима?

ОИТВ юкишни олдини олишда кандай харакатлар асосий рол уйнадилар?

Жинс

ОИТВ/ОИТС номуносив тарикада эркакларга купрок таъсир килган, аммо охириги пайтда аёллар нисбатан купрок таъсир этилияптилар. 2005 йилда 50 % ортик янги хасталанганларни сонини аёллар ташкил килишди. Бу аёлларнинг жисмоний биологияси, ижтимоий-иктисодий ҳақ-хуқуқлари ва холати билан боглик.

Эркакларникидек, юкишларнинг асосий кисми гетеросексуал алока оркали руй беради.

Охириги вақтда хасталанган аёлларнинг сони йилдан йилга икки мартабага ошиб келияпти. Уртача, ривожланишган мамлакатларда хар 20 сония ичида битта аёл ОИТВ мусбийга айланади. Аёлларнинг хуқуқлари ва оилага карашда урнини инобатга олсак, ОИТВга дуч келиб, уларнинг гамхурлик ва мадад кидиришда имкониятлари камаяди. Аёлларнинг ОИТВ билан хасталанишининг асосий хатарлари куйдаги:

1. Биология: Аёл гетеросексуал (жинсий) алокаларда кабул килувчи хамкор булиб катнашади, чунки унинг баданида эркакга нисбатан купрок кабул килувчи кисмлар мавжуд. Жинсий алокалар, узининг жисмоний харакатлари билан аёлни кушимча хавфга солади. Бундан ташкари, фарзандни дуне келиш жараёнида ОИТВ ОФХЮ оркали чакалоқларга утиши мумкин.
2. Жамият/Маданият: Аёллар узларининг жамоатдаги бир мунча пастрок ижтимоий холати сабабли алокавий субординация (буйсуниш)га дуч келишади (бу маданий кимматлар билан богликдир). Ушбу буйсуний алокавий мажбурлаш ва суиистеъмоллик/зурлик оркали амалга ошади – булар хаммаси зурлаш ва тижорат алокавий ишлатиш (ТАИ) оркали руй беради (купинча, фохишалик деб номланади). Баъзи аёллар жинсий алокалар ва хавфсиз алокаларни амалга ошириш каби талаблари олдинга суриш учун узларида ҳақ-хуқуқ йук дея куришади.
3. Иктисодий омиллар: Аёллар купинча жинсий алокалар (фохишалик) индустриясига мажбурлаб келтирилади чунки уларни иш фаолиятини олиб бориши таъкикланган, ва эркаклардан карам булишлари, булар эса оилани тарк этишлари мумкин (улим ёки ажрашиш оркали); иш билан шугулланишга имкониятлари булмаслиги хам мумкин (бу, уз урнида овкат ёки пулга мухтожликни тугдиради). Ёш кизлар “бойвочча акалар” билан учрашиб, уларнинг пуллари/обруйи/буюмларига уч булишади. Ушбу омиллар аёлларнинг жамоатда/маданиятда буйсунишига кушимча юк булиб шаклланади.
4. Эпидемиялогик: Баъзи аёллар кон амлашувига мухтож булишади ва бу билан, эркакларга нисбатан кушимча хавф-хатарга дуч келишади.